

**Халқаро молия институтлари маблағларини ҳисобидан амалга
ошириладиган лойиҳалар юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Халқаро молия институтларини қарз ва грант маблағлари ҳисобидан **5 та 282,3 млн.доллари** қийматига эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Шу жумладан:

а) Халқаро молия институтларини **қарз маблағлари** ҳисобидан **2 та 250 млн.доллари** қийматига эга бўлган лойиҳалар;

б) Халқаро молия институтларини **грант маблағлари** ҳисобидан **3 та 32,3 млн.доллари** қийматига эга бўлган лойиҳалар.

Шундан:

1. Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳаси (**50 млн.доллари**);

2. Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш - 2 фаза” лойиҳаси (**200 млн.доллари**);

3. Германия Федератив Республикасининг “KfW” тараққиёт банки билан “Ўзбекистонда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш” **грант** лойиҳаси (**16 млн.доллари**);

4. Корея ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан ҳамкорликда “Ургенч шаҳрида касб-ҳунар марказини барпо этиш ҳамда Тошкент шаҳрида Малакани баҳолаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтини ташкил этиш” лойиҳаси (**14,5 млн.доллари**);

5. Бирлашган миллатлар ташкилотинг тараққиёт (БМТ) дастури билан ҳамкорликда “Фарғона водийсида аҳолини кўникмаларини пандемиядан кейинги иқтисодийга мослаштириш” лойиҳаси (**1,8 млн.доллари**).

2023 йил якуни буйича амалга оширилган ишлар

5 та лойиҳа доирасида 2021-2023 йилларда жами **88,1 млн.доллар** маблағ ўзлаштирилган (**31,2%**).

2023 йилда ўзлаштириш прогнози жами **62,4 млн.долларни** ташкил этилиб, шундан йил якуни буйича **62,4 млн. доллар** (**100%**) маблағи ўзлаштирилди.

2024 йил 1 январ ҳолатига қолдиқ маблағ **194,2 млн. долларни** ташкил этади.

Шундан:

1-лойиҳа: “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳасининг бошидан **38,3 млн.доллари** ўзлаштирилди (**1,8 млн.доллари** 2024 йилнинг февраль-март ойларида ўзлаштирилди). 2023 йил учун ўзлаштириш прогнози **16,0 млн.доллари** белгиланган бўлиб, барча

маблағлар (**100%**) ўзлаштирилди. Лойиҳада кечикишлар ва муаммоли масалалар мавжуд эмас.

Лойиҳа ТИАси доирасида 70 та “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг моддий-техник базасини (12 та касб йўналишлари) WorldSkills стандартлари асосида жиҳозлаш тўлиқ якунланган.

Ўзлаштириш жараёнида иқтисод қилинган **3,7 млн.** АҚШ доллари ҳисобига **касб-хунарга ўқитишнинг янги 5 та йўналиши** бўйича асбоб-ускуналар харид қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда:

2023 йилнинг 9 ноябрь куни харидлар режасига киритилган “Мономаркалар учун электромобиль ва автомобиль таъмирлаш устахоналари учун ўқув жиҳозлар” ҳамда “Мономарказлар учун компьютер ва ўқув стендлари” халқаро тендер савдолари учун ишлаб чиқилган тендер ҳужжатлари тасдиқланган;

2023 йил 21 декабрь куни Харидлар режасига киритилган 2 та пакет бўйича тендер савдоларга қатнашган компаниялар томонидан келиб тушган техник таклифлари очилган ҳамда техник таклифларни баҳолаш гуруҳи таркиби тасдиқланди;

2024 йилнинг 5 февраль куни халқаро савдоларига келиб тушган техник таклифлари юзасидан баҳолаш гуруҳининг ҳисоботи кўриб чиқилди ва тасдиқланди;

2024 йилнинг 26 феврал куни Харидлар режасига киритилган 2 та пакет бўйича тендер савдоларига қатнашган компаниялар томонидан келиб тушган молиявий таклифлари очилган.

2024 йилда амалга оширилиши кутилаётган ишлар

Лойиҳа доирасида 2024 йил якуни билан ўзлаштириш прогнози **13,5 млн.** доллари (лойиҳани қолган 27 %) ташкил этади.

*Шундан: 1-чоракда **1,7 млн.**, 2-чоракда **8,0 млн.**, 3-чоракда **2,8 млн.**, 4-чоракда **1,0 млн.** доллар маблағларни ўзлаштириш режасида амалга оширилган.*

Реструктуризация натижаларига кўра, лойиҳа доирасида ўзлаштирилмаган **13,5 млн.** доллари маблағлар қайта тақсимланиб, харажат йўналиши ўзгартирилди. Хусусан, мазкур маблағлардан **8,0 млн.** доллари миқдори касб-хунарга марказларида янги турдаги касбларга ўқитишни йўлга қўйиш учун **замонавий дастгоҳ ва ўқув қўлланмаларини харид қилишга** йўналтириш белгиланди. Ҳозирги кунда, Жаҳон банкidan харидлар режасига розилик олиниб, сотиб олиниши режалаштирилган ускуналар рўйхати шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда.

2024 йил якунига қадар мазкур лойиҳа доирасида режадаги **13,5 млн.** доллар маблағлар ўзлаштирилиб, кўрсаткичлар **100 фоизга** бажарилиши таъминланади.

2-лойиҳа: Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш - 2 фаза” лойиҳаси бошидан **46,7 млн.доллари** ўзлаштирилди. 2023 йил учун ўзлаштириш прогнози **46,4 млн.доллари** белгиланган бўлиб, барча маблағлар (**100%**) ўзлаштирилди. Лойиҳада кечикишлар ва муаммоли масалалар мавжуд эмас.

2024 йилда амалга оширилиши кутилаётган ишлар

Лойиҳа доирасида 2024 йил якунига қадар **85 млн.доллар** маблағ ўзлаштириш белгиланган.

Шундан, 1-чоракда 10 млн.доллари, 2-чоракда 15 млн.доллари, 3-чоракда 25 млн.доллари, 4-чоракда 35 млн.доллар.

Бунда:

Мураббийлик ва бизнес инкубация жараёнини жадаллаштириш учун ажратилган **1,41 млн.доллари**;

Ҳамкорликни ривожлантириш ва сотиш занжирларини яратиш учун ажратилган **0,16 млн.доллари**;

Climate Smart технологиялари демонстрацияси учун ажратилган **0,14 млн.доллари**;

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган **0,78 млн.доллар**;

Микро, кичик, ўрта корхоналарни молиялаштириш учун кредит линиясига ажратилган **66,95 млн.доллар**;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига йўналтириладиган **14,65 млн.доллар**;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига техник кўмак кўрсатиш учун **0,1 млн** доллари;

Лойиҳани бошқариш ва мувофиқлаштириш учун **0,81 млн.доллари** маблағларни ўзлаштириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 1 чорагига мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-92 сонли қарорига асосан мазкур лойиҳа доирасида **январь ойи** учун **0,3 млн.доллар** ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, барча маблағлар ўзлаштирилди. **Февраль-март ойлари** учун белгиланган **9,7 млн.доллар** маблағларини ўзлаштирилиши чорак якунигача таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 февралдаги 92-сонли қарорига асосан мазкур лойиҳани амалга ошириш ҳамда белгиланган ўзлаштириш кўрсаткичларни бажариш Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

3-лойиҳа: “Ўзбекистонда касб-хунар таълимини ривожлантириш” грант лойиҳаси доирасида Республика буйича **7 та** касб-хунарга ўқитиш марказларини қайта қуриш, таъмирлаш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Юнусобод туманидаги касб-хунарга ўқитиш маркази негизда TUMO креатив технологиялар марказини барпо этиш кўзда тутилган.

2024 йилда амалга оширилиши кутилаётган ишлар

Лойиҳанинг умумий қиймати **16,0 млн.** евро бўлиб, 2024 йилда **2,5 млн.** доллар ёки лойиҳанинг **23,4 фоизини** ўзлаштириш белгиланган.

*Шундан, 2- чоракда **1,0 млн.** доллар, 3-чоракда **1,0 млн.** доллар ва 4-чоракда **0,5 млн.** доллар.*

Лойиҳа доирасида Грант келишуви 2023 йил ноябр ойида имзоланган. Ҳозирда лойиҳани бошқариш учун бош консультантни танлови олиб борилмоқда.

Режага асосан 2024 йил апрель ойида консультантни танланиб, **7 та** касб-хунар марказини қуриш-таъмирлаш ишларини лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

4-лойиҳа: “Ургенч шаҳрида касб-хунар марказини барпо этиш ҳамда Тошкент шаҳрида Малакани баҳолаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтини ташкил этиш” лойиҳаси доирасида 2021-2026 йиллар давомида жами **9,2 млн.** доллар маблағ ўзлаштириш белгиланган бўлиб, лойиҳа бошидан 2023 йил якунига қадар **3,9 млн.** доллар маблағ ўзлаштирилган.

2024 йилда **5,6 млн.** доллари ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, йил якунига қадар барча маблағлар ўзлаштирилиши кутилмоқда.

*Шундан, 2-чоракда **3,0 млн.** доллари, 3-чоракда **1,6 млн.** доллари, 4-чоракда **1,0 млн.** доллар.*

2024 йилда амалга оширилиши кутилаётган ишлар

Мазкур лойиҳа доирасида KOICA томонидан ўтказилган тендер натижаларига кўра танланган “Urban Architecture” МЧЖ томонидан **2 та** бино яъни Ургенч шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш маркази биноси ҳамда Тошкент шаҳридаги Малакани баҳолаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда KOICA томонидан ўтказилган тендер натижаларига кўра танланган “ZAMAN BUILDING” МЧЖ ушбу ташкилот билан ҳам лойиҳачи каби **2 та** (Ургенч ва Тошкент шаҳарларида) бино учун 1 донга келишув имзоланиб, унга кўра пудратчи ҳам бир вақтнинг ўзида **2 та** бинони қуриб беришни таъминлайди. Айтилган пайтда Ургенч маркази қурилиши бошланган. Тошкентдаги объект учун лойиҳа смета ҳужжатлари учун экспертиза хулосалари олиниши билан қурилиш ишлари бошланади.

5-лойиҳа: “Фарғона водийсида аҳолининг кўникмаларини пандемиядан кейинги иқтисодиётга мослаштириш” лойиҳаси доирасида 2021-2024 йиллар давомида жами **1,8 млн.**доллар маблағлар ўзлаштириш белгиланган бўлиб, 2023 йилнинг якунига қадар жами **1,35 млн.**доллари ўзлаштирилган.

2024 йилда **0,45 млн.**доллари (*лойиҳани 25 фоизи*) ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, июль ойига қадар барча маблағлар ўзлаштирилиб лойиҳа якунланиши кутилмоқда.

2024 йилда амалга оширилиши кутилаётган ишлар

Қолдиқ маблағларни жалб қилшда бир нечта чора-табдирларни амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунда,

электр машиналари, зарядлаш станцияларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш каби келажак касблари ва яшил технологиялар бўйича ўқув модулларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқув модулларини жиҳозлаш ва малакали мутахассислар келишини ташкил этиш ишларини амалга оширилади;

тил дастурлари ишлаб чиқилади ва мономарказларда меҳнат мигрантлари учун сертификатлар берилади (камида **110 нафар** бенефициарлар, шундан **30 фоизи** аёллар);

Меҳнат кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳисобига Ягона миллий меҳнат тизимини (ЯММТ) такомиллаштириш, шу жумладан:

- Ягона миллий меҳнат тизимида (ЯММТ) халқаро меҳнат стандартлари ва нормаларини қўллаш;

- Ишчи тизимнинг функционалиги ва мавжудлиги асосида бизнес жараёнларини такомиллаштириш;

- Тизимдан фойдаланиш тартибини белгиловчи норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш;

- Университет талабалари учун ишбилармонлик алоқалари (софт кўникмалар ва карьера маркази хизматлари) бўйича курсни ишлаб чиқиш.